

ЯЙЛОВ
МУАММОСИ
ХОКИМ
НАЗОРАТИДА

2-бет



ПРЕЗИДЕНТНИ
ИНТЕРНЕТДА
ХАҚОРАТЛАШ
МУМКИНМИ?

4-бет



ЖАСОРАТ ВА
МАТОНАТ
ҚИССАСИ

6-7-бетлар



Жанубий қозғыстон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2021 йил 6 апрель, сешанба. №36 (2941).

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ



Президент Миллий банк раисини қабул қилды Қозғыстон Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев Миллий банк раиси Ербұлат Дұсаевни қабул қилды.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ – БОШ МЕЗОН

Давлат раҳбары жорий йилнинг биринчи чорагида пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг дастлабки натижалари түгрисида маълумот берилди.

Миллий банк раиси пандемиядан сўнг иқтисодиётни тиклашда юзага келиши мумкин бўлган асосий муаммолар тўғрисида ахборот берди. Президентга мамлакатнинг 2020 йил учун тўлов баланси, умумий халқаро захираларнинг ҳолати, олтин захиралари тўғрисида маълумот берилди.

Ербўлат Дўсаев давлат раҳбарининг Қозғыстон фуқароларининг пенсия жамғармаларини муддатидан аввал фойдаланиш ва Миллий тўлов тизимини яратиш бўйича кўрсатмаларининг ижроси тўғрисида ҳисобот берди ва уй-жой сиёсатини исплоҳ қилиш юзасидан таклифлар билдири.

Учрашув якуннда давлат раҳбари Миллий банк раисига қатор аниқ кўрсатмалар берди.

БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК, ЮҚСАК ЭЪТИБОР

МАҚТААРАЛ ТУМАНИДА КЎП БОЛАЛИ ВА КАМ ТАЪМИЛАНГАН 50та ОИЛА ЯНГИ БОШПАНАГА ЭГА БҮЛДИ

Уй-жой олиш учун навбатда турган 50та оила «Нурли ер» дастури доирасида барпо этилган ижтимоий уй-жой билан таъминланди. Туркистон вилояти ҳокими Үмирзақ Шўкеев Мақтаарал туманига хизмат сафари билан ташриф буюриб, тумандаги вазият билан танишиди.

Вилоят раҳбари Мирзакент овулидаги янги қурилган кичик туманда бўлиб, «Нурли ер» дастури доирасида қурилиши режаланган кўп қаватли уй-жойлар лойиҳалари билан танишиди ва қатор муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Қурилиши давом этаётган мактаб ва болалар боғчасида бўлган минтақа раҳбари пурдатчilar билан учрашиди. Қайта таъмирланган «Шуҳрат» хиёбонини оралаб, янги лойиҳалар борасида фикрмулоҳазаларини билдири.

Шунингдек, тубдан таъмирланган Қ. Мунайтпасов номидаги марказий ўйингоҳда бўлиб, туманда оммавий спортни ривожлантириш режаларини пухталади. Мирзакентда фойдаланишга топширилишга шай турган амбулатория-шифохонанинг жиҳозланишига ҳоким юксак баҳо берди. Таъқидлаш жоизки, худди шундай

соғликни сақлаш муассасалари яқинда Ўргебас ва Фирдавсий қишлоқларида ҳам эл эзгулигига берилади.

Бундан ташқари, ҳоким Мирзакентда қурилаётган бошқа ижтимоий иншоотлар билан ҳам яқиндан танишди. Барпо этилаётган мактаб ва болалар боғчасини кўздан кечириб, пурдатчи ташкилотлар раҳбарлари билан учрашиди. Таълим муассасаларини янги ўкув йили олдидан фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатма берди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Akorda.kz.



Жетисай, Мақтаарал, Келес туманлари ахолиси билан учрашувда вилоят ҳокими Үмирзак Шүкев улар билан қатор долзарб масалаларни муҳомама қилди. Учта туман ҳокими ва ахолиси иштирокидаги ийғилишда яйлов масалалари бош мавзу бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда чорва молларининг аксарият қисми қишлоқ атрофида боқилмоқда ва натижада ерларнинг табиий қуввати йилдан йилга пасайиб бормоқда. Чорва моллари сонининг кўпайиши ҳам ерлар тақчилигига олиб келмоқда. Бундан ташқари, кўплаб ерлар хусусийлаштирилган.

Туркистон вилоятида яйлов ерларини тартибига солиш бўйича ишлар уч йилдан бўён олиб борилмоқда. Уч туман ахолиси билан учрашувда вилоят ҳокими маҳаллий ҳокимият ва мутасадди шахсларга яйловлар масаласини ҳал қилишини топшириди. Шу билан бирга, Үмирзак Шүкев «Сабыр» дехқон хўжалигининг фаолияти билан танишди. Хўжалик дехқонлари бир майдондан 2-3 марта ҳосил олиш ло-

«Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтакти» мавзудаги туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг норасмий саммити муваффақиятли якунланди. Стратегик жиҳатдан муҳим учрашувда туркий тилли давлатлар раҳбарлари сўнгги ўн йилликлар давомида туркий тилли давлатлар томонидан муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётта эришилганини таъкидладилар.

ОЛТИН ДАВРИ КЕЛДИ, ТУРОННИНГ!

Иштирокчилар, шунингдек, туркий оламда кўп киррали алоқаларни ривожлантириш ва туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада чукурлаштиришга эътибор қаратдилар. Бундан ташқари, савит доирасида Туркистон декларацияси қабул қилинди. Туркистонга расман турк дунёсининг маънавий пойтакти мақоми берилди.

Оламшумул аҳамиятга эга тадбирдан сўнг вилоят марказида «Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтакти» мавзуда давра сұхбати уюштирилди. Тадбирда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Сакен Қалқаманов, маҳаллий олимлар, вилоят этномаданият бирлашмалари аъзолари ва



фаол ёшлар иштирок этишиди.

Учрашувни очган вилоят ҳокимининг ўринбосари Туркистон қадим тарихга эга муқаддас замин эканлигини таъкидлади. Европа ва Осиёни боғлайдиган Буюк Илак йўленинг бош томири Қозоқ хонлигининг пойтакти бўлган. Туркистонга бағишлиланган ҳамжиҳатлик, тинчлик ва биродарлик каби олижаноб фазилатлар шиори остида ўтказилган саммит ўзини оқламоқда.

Учрашувда олим, файласуф-диншунос, X. А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети Туркшунослик илмий-тадқиқот институти директори. Яссави Дўсай Кенжетай Яссавий шахсига тўхтади. Университет

ЯЙЛОВ МУАММОСИ ҲОКИМ НАЗОРАТИДА



ийҳасини фаол амалга ошироқда.

Минтақа раҳбари ишчилар билан учрашиди. Миришкорлар карамнинг дастлабки ҳосилини йигиб олишга тайёргарлик кўришмоқда. Шунингдек, улар ушбу пойиҳанинг самарадорлиги билан боғлик тажрибаларини билан ўртоқлаштилар. Биринчи ҳосилини йигиб олгандан сўнг, улар тарвуз экишга киришади. Маҳаллий дехқонлар ушбу лойиҳа ёрдамида йилига гектаридан 8 миллион тенгегача даромад олишмоқда.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

● Тайинлаш

ЖЕТИСАЙ ТУМАНИДА ЯНГИ ҲОКИМ



Туркистон вилояти Жетисай туманига янги ҳоким тайинланди. ҚР Президенти Маъмуриятининг розилиги билан, ротация тартибида Жетисай туманинг ҳокими этиб Мурат Бўлатули Қадирбек тайинланди.

Мурат Бўлатули 1980 йили Чордара туманида туғилган. Олий маълумотли, ҳукуқшунослик магистри. Қозғистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат бошқарув академиясининг битирувчиси. Фаолиятини 2002 йили Қарағанди шаҳар Қазибек бий туманинг прокуратурасида бошлаган.

2011-2016 йилларда ҚР Давлат хизмати ишлари агентлиги тизимида ишланган. 2016 йилдан бўён Арис шаҳри ҳокими.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

● Брифинг



Туркистон вилоятида йил бошидан бўён коронавирус инфекцияси тасдиқланган 818та ҳолат қайд этилди. Жами минтақада Covid-19 инфекциясини юқтиришнинг 4493 ҳолати қайд этилиб, йил бошидан бўён 625 пневмония хасталигини юқтирган бемор рўйхатга олинган.

БИР МУШТГА АЙЛАНСАК – касаллик албатта ортга чекинади

Минтақа эпидемиологик ҳолат кўрсаткичи бўйича яшил ҳудуд рўйхатида. Шунга қарамай, кейинги иккى ҳафтада коронавирус 36 фоизга, пневмония эса 54 фоизга ўғсан.

– Бошقا вилоятлардаги вазиятнинг муркаблашишига қараб КВИ ва пневмония хасталикларида чалинишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Улардан сакланишнинг ягона йўли – вакцина қабул қилиш. Афсуски, оиласви байрам тадбирлари тўхтамаяпти. 2021 йил январь оидан бошлаб 192та тақиқланган

тадбир уюштирилгани аниқланди, – деди вилоятнинг бош давлат санитар шифокори Нурбек Нишанов.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон вилоятида айни кунда 127000 киши ўз ҳоҳиши билан КВИга қарши эмланди. Апрель оидада минтақага вакцинанинг 107000 дозаси етказиб берилади.

**Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.**

ИСТИҚЛОЛИМИЗ РАҲНАМОСИ

Истиқлолга 30 йил тўймоқда. Бу унча катта муддат эмас. Аммо, ушбу қисқа вақт мобайнида Қозоғистон оёққа турибгини қолмай, жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўринга эга қудратли давлат бўлиб шаклланди. Иқтисодиёти ривожланди, ижтимоий аҳволи яхшиланиб, элнинг онги ўсди.

Биз мустақиллик учун курашда отабоболаримиз бошдан кечирган қийинчиликларни китоблардан ўқиб билдик. Қизил империянинг устуворлик сиёсати чегарадан чиқиб, юртимис ери таланди, ядрорий синовлар майдонига айланди. Тили ва дини ғамхўрликсиз қолди, миллий қадриятлари камситиди. Узок йиллар давом этган истибод давомида эркидан, динидан, тарихидан, тилидан айрилаётган халқимизнинг дардига ана шундай улуғ фарзандлардан бири малҳам бўлди.

Номлаган чиройли Шимкентнинг ташқи қиёфаси ҳам анча ўзгарди. Туркистон шаҳридаги замонавий бинолар, маданият ўчоқлари ҳамда ҳордиқ масканлари шаҳарликлар, зиёратчилар ва меҳмонларнинг энг севимли масканларига айланниб боряпти. Бундан ташқари, шаҳарда Мустақиллигимиз, миллий бойликларимизнинг қадр-қимматини намоён этадиган мажмуалар узлуксиз, биридан кейин бири қад ростламоқда.

Элбошимизнинг жаҳонда тинчлик ўрнатишга камарбаста бўлаётгани, таникли



Мустақилликнинг ўз-ўзидан келмагани ёки кимдир ҳадя этмаганини ёдда тутадиган, ота-боболаримиз орзуларини тўла рўёбга чиқарадиган авлодмиз. Элимиз эгаменликка, мустақилликка эришган йигирма тўқиз ўйлда жуда катта доғонлар, қийин даврларни босиб ўтганига нафақат қозоғистонликлар, балки дунё ҳамжамияти гувоҳ.

Қозоғистоннинг Тўнгич Президенти Нурсултан Назарбаев том маънода янги, мустақил давлат асосчиси эканини жаҳон ҳамжамияти тан олди.

Элбошимиз Нурсултан Назарбаевнинг доно сиёсати туфайли бугун Қозоғистон юздан зиёд миллат ва элат учун Ватан бўлиб, Мустақил Қозоқ эли дунёга танилди. Халқимизнинг барака-бирлиги ортиди.

Алашнинг ардоқли фарзанди Ахмет Байтурсиновнинг: «Бошқадан кам бўлмаслик учун биз билимли, бой ҳамда кучли бўлишимиз керак. Билимли бўлиш учун ўқиш керак. Бой бўлиш учун касб керак. Кучли бўлиш учун бирлик керак. Ушбу кераклар учун ишлаш керак», деган нақли бугунги кунда бизнинг шиоримизга айланди.

Элбошининг «Қозоғистон-2050» Стратегиясини мұваффақиятли амалга ошириб, ривожланган 30та давлат қаторидан жой олиш вазифаси ҳар бир қозоғистонликнинг олдида турган мақсадидир.

Бугунги кунда иқтисодий тараққиётимиз, маданиятимиз ҳамда фаровонлигимиз ортиб, бунёдкорлик соҳасида зўр ютуқларга эришяпмиз. Нур-Султандек гўзал пойттахтимиз бор. Жанубий пойтахтимиз Алмати ҳам аввалгидан ўзгача қиёфа кашф этди. Айниқса, сўнгги тўртбеш йилда Элбоши учинчи шаҳар деб

сиёсий арбоблар билан бу мавзудаги сұхбатларини жаҳон оммавий ахборот воситалари таҳлил қилиб, эришилаётган натижаларга холисона баҳо бермоқда. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, сиёсий ва маънавий исплоҳотлар Элбошимиз учун халқимиз, ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад иўқигини яна бир карра исботлади.

Хориж оммавий ахборот воситаларида Н. Назарбаевнинг жаҳонда хавфисизлик ва осойишталиктарни таъминлаш, тобора кўпроқ хавф солаётган турли даъватлар ва таҳдидларни бартараф этиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари, ҳам халқаро, ҳам минтақа миёссида тез ўзгариб бораётган мураккаб вазиятдан келиб чиқкан ҳолда янада яхшироқ мувофиқлаштириш ва уйғуллаштиришга катта хисса қўшаётгани тилга олинмоқда.

Хуррият байробини баланд кўтариб, жаҳон сиёсий харитасига Қозоғистон номли мустақил давлатни киритган инсон ҳақида бир минбар, бир маъруза ва ҳатто, бир китоб доирасида гапирсан ҳам кампик қиласди. Зоро, унинг бунёдкорлик режа, лойиҳа ва эзгу мақсадлари кенг камровли.

Элбоши «Келажакка йўлланмана: маънавий янгиланиш» дастурий мақолосида:

«Маънавий янгиланиш фақат бугун бошланадиган иш эмас. Биз Мустақиллик даврида ушбу йўналишда бир қанча кўламдор вазифаларни адо этдик. 2004 йили «Маданий мерос» дастури доирасида Қозоғистон худудидаги тарихий-маданий ёдгорликлар ва иншоотларни янгиладик. 2013 йилда «Халқ – тарих тўлқинида» дастури орқали жаҳоннинг энг нуғузли архивларидан асл тарихимизга алоқадор ҳужжатларни тизимли равишда тўп-

лаб, тадқиқ қилдик. Эндиликда улардан ҳам улуғвор ва муҳим ишларни бошламоқчимиз», деб ёзди.

Жаҳон иқтисодий инқизорзи пайтида ҳам республикамизда ижтимоий-сиёсий ахвол анча барқарор бўлиб туриди. Бу эса барчамизнинг баҳтимиз, ютуғимиз.

Республикамизда тинчлик ва осойишталиктин қарор топтиришда фуқаролар тутувлиги давлат мустақиллигининг асосий гарови эканини яхши англайдиган Nur Otan партияси ва унга раҳбар бўлиб келаётган Элбошимиз Нурсултан Назарбаевнинг ҳиссаси улкан.

– Элбошимиз – фахримиз ва ғуруримиз. Қийинчиликлару муаммоларга тўла йўллардан суринмай ўтиб, собиқ Иттифоқда етакчи ўринга чиқкан, жаҳон ҳамжамиятини тан олдирган мамлакат



ЭЛБОШИННИГ ЁШЛАРГА НАСИҲАТЛАРИ

Бизнинг умумий бойлигимиз ҳисобланмиш қозоғистонча ютуғимизнинг учта калити:

Биринчи. 140 этносни бирлаштирувчи барча қозоғистонликларнинг бирлиги – бениҳоя улкан бойлик.

Барчамизнинг бурчимиз уни асраш, мустаҳкамлаш ва бойитиш. Биз дунё уммонаиди ўз йўналиши бўйлаб эсономон оқиб келаётган қайғимизни ҳеч кимнинг чайқатишига йўл қўймаймиз.

Иккинчи. Бизнинг барчамизга ва ҳар биримизга хос бағрикенглик. Этник ва диний бағрикенгликнинг моҳиятини англамоқ ва хурмат билан қабул қилмоқ. Шу орқали хилма-хиллигимиз бизни ажратмайди, аксинча, бирлаштиради.

Агарда, бизнинг сабр-бардошимиз бўлмаса, қайғимиз йўлдан адашиб кетиши ёхтимол. Сўнгра, ҳалокат юз бериши муқаррар.

Учинчи. Тарихий тақдиримизнинг умумийлиги. Бош мақсадимиз – ўзгравчан оламдаги янги вазиятларда фақат нуғузимизни сақлаб қолишигина эмас, шу билан бир қаторда аввал эришган муваффақиятларимизни ортироғмоқ, янги оламга таъсир этиш имкониятларимиз доирасини кенгайтириб, ривожланышда давом этмоқ. Фақат ушбу қадриятларимизни ривож топтириб ва қўпайтирибгина ҳар бир қозоғистонлик оила учун хавфсиз ва баҳтли келажак бунёд эта оламиз.

Бизнинг меҳнатсеварлигимиз – муҳим ютуғимиз.

Қозоғистонликлар элнинг ривожланниши ҳар бир фуқаронинг меҳнатига, билимiga, масъулиятни ҳис этишига боғлиқ деб тан оладиган умумий ва ажралмас оила. Ишлагиси келгандарнинг ҳаммаси иш топади. Фақат ният бўлиши керак.

Бизнинг одамларимиз бошқа давлатларда нималар содир бўлаётганини тез-тез эсдан чиқарип қўйишиади.

Бизнинг Қозоғистонда эса ҳар бир фуқаронинг доимий яшаш ва оиласини асраш билангина чегараланмасдан, фарзандларига билим бериш ва келажакни режалаштириш имконияти бор.

Ривожланган мамлакатлардаги энг асосий қоида бу – иш одамни эмас, одам ишни излайди.

Агарда биз ҳаёт сифатининг дунёвий намунасида шаклланамиз десак, У ҳолда шунга асосланиб меҳнат қилмоғимиз лозим. Бунда интизом ва меҳнатнинг сифати ўзгача аҳамият касб этади.

Давлат ҳалқ фаровонлигини ортириш учун қанча-қанча куч сарф қилмасин, агарда ҳар бир қозоғистонлик ўз тақдирининг меҳнатсевар эгасига айланмаса, элдаги бор яхшиларнинг барчасини эъзозлаб, уларни янада кўпайтиримаса, ишлар баракали бўлмайди.

Бугунги кунда ҳар бир қозоғистонлик мустақил равишда элимизга яхшилик қилиб, мамлакатимизнинг бойлигини кўпайтириш мақсадида мен нима қила опдим, деб ўзидан сўраши керак.

“ГЕРОСТРАТ” – ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАСИДА

Шимкент шаҳар ўзбек драма театри яна бир мумтоз асарни саҳнага олиб чиқди. Ушбу спектакль премьераси томошабиннага манзур бўлиб, олқишиларга чулғанди.

Драматург Григорий Горининг “Герострат” асарини режиссёр Ч. Айтматов номидаги Халқаро мукофот лауреати Қуандик Қасимов саҳналаштириди, Сайдусултон Жаҳонгиров эса рассомлик қилди.

Енгил қабул қилинадиган, ҳазил-мутойибаларга бой бўлган спектакллардан фарқли ўлароқ, ушбу саҳна асари томошабиннага териан ўйга толдиради, мулоҳаза юритишига чорлайди.

Қисматидан норози бўлган савдогар, Эфес мінтақаси фуқароси Герострат ўз номининг мангу қолишини истаб, Артемида ибодатхонасини ёндириб юборади. Жаҳон мўъжизаларидан бири – юнонлар ибодатхонаси Артемида шу тариқа ёниб кетади. Халқ Геростратнинг ўлдирилишини талаб қиласди.

Асарда Геростратнинг суди орқали ақл-фаросат ва зулм, адолат ва соткинлик, ҳақиқат ва соҳтакорлик ўртасидаги баҳсли муносабатлар кўрсатилади.

Герострат ролини театр актёри Улуғбек Носиров, театр одамини – Жавлон Сайдов, Клеон – Аҳмадвой Эргашев, Тиссаферн – Сайдикарим Маҳмудов, Клеминтинани – Дилдора Холметоваради ижро этишиди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

70 сонияда нокаут



Дубай шаҳридаги Caesars Palace Dubai аренада касбий бокс оқшоми бўлиб ўтди. Қозоғистонлик боксчи Турсинбай Қулахмет WBC International чемпиони белбогини ҳимоя қиласди, дея хабар беради Sports.kz.

У венесуэлалик Эбер Рондон билан чемпионлик жанггини ўтказди. Жанг 10 раунд давом этиши куттилганди. Натижада, биринчи раундда Турсинбай Қулахмет рақибини нокаутга учратди. Унинг олдида Эбер Рондон бир марта нокдаун ҳолатига тушиб қолди. Қозоғистонлик боксчига ғалаба қозониш учун атиги 70 сония керак бўлди. Шу тариқа, Турсинбай Қулахмет касбий бокс маъқеидаги иккинчи ғалабага эришди. Ва Рондон учун бу спортдаги биринчи мағлубият.

Эслатиб ўтамиз, Турсинбай Қулахмет ўтган йилнинг ноябрь ойида британиялик боксчи Маколей Макгоузни мағлубиятга учратиб, WBC камарини қўлга киритган эди.

Sports.kz.

ҚИЛИЧБОЗЛАР КУЧ СИНАШАДИ

24 апрель куни Тошкентда қиличбозлик бўйича Осиё саралаш турнири бошланади. Алексей Песцов бошчилигидаги қозоғистонлик спортчилар қитъя чемпионатида ҳам иштирок этади. Бу ҳақда Миллий ахборот олимпия қўмитаси маълум қиласди.

Токио ўйинларининг якуний лицензиялари Тошкентда ўтади. Мусобақада Қозоғистон шарафиини қўйидаги спортчилар ҳимоя қиласди: Ульяна Балаганская (шамшир, аёллар); Тамерлан Калиев (рапира, эркаклар); Кулжан Тусупбекова (рапира, аёллар); Айгерим Сарифбай (қилич, аёллар); Саттархан Назарбай (қилич, эркаклар).

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда Қозоғистон қиличбозлар жамоаси Руслан Қурбанов қўлга киритган битта лицензияга эга.

Sports.kz.

P.S.: Қиличбозлик – спорт тури, қоюда асосида тиғли спорт қуроллари рапира, қилич, шамшир воситасида яккама-якка ўтказиладиган мусобақа.

Қиличбозлик қадими спорт тури сифатида эса 15 -16-асрлардан Испания ва Италияда шаклана бошлаган. 1517 йил италиялик А. Мароцци қиличбозлик бўйича илк ўқув қўйланмасини яратди. 17-аср охирларида Францияда Қиличбозлик қодалари ишлаб чиқилди ва мусобақалар ўтказилди. 1896 йилдан Қиличбозлик олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1913 йилда Халқаро Қиличбозлик федерацияси (FIE) тузилди, унга 120 давлат (Қозоғистон 1992 йилдан) аъзо, раис – меценат Алишер Усмонов.

1937 йилдан Қиличбозлик бўйича жаҳон чемпионати ўтказиб келинади.

Қиличбозлик АҚШ, Венгрия, Германия, Италия, Польша, Россия, Руминия, Франция, Хитой каби давлатларда кенг ривожланган.

● Хориж хабарлари —

10 млн.дан зиёд одам эмланди



Пекинда 10 млн.дан зиёд одам коронавирусга қарши вакцина билан эмланди. Бу хақда шаҳар соғликини сақлаш қўмитаси хабар берди.

Жорий йилнинг 2 апрель ҳолатига кўра, жами 16,05 млн. доза вакцина ишлатилган. Хитой пойтахтининг 10 млн.дан зиёд аҳолиси вакцина билан эмланди. Шу жумладан, 6,04 млн.дан зиёд одам вакцинанинг иккинчи компонентини олган ва тахминан 3,96 миллион одам биринчи компонентини олган.

Бундан ташқари, Пекиндаги 60 ва ундан катта ўшдаги 670 мингдан зиёд одам вакцина билан эмланди.

Бугунки кунда Пекинда 21 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиласди.

48 кишининг ҳаётига зомин бўлди



Тайваннинг Хуалянь округидаги туннель яқинидаги поезд ҳалокати қурбонлари сони 48 кишига ётди, яна 118 ўйловчи касалхонага ётқизилди. Қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Ходиса Хуалянь округидаги тоннелига кираверишида содир бўлган. Taroko Express поездининг саккизта вагонида 350 ўйловчи бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра, поезд қиялидан тушаётган юк машинаси билан тўқнашган. Натижада, иккичи ва учинчи вагонлар рельсдан чиқиб, туннель деворига урилган. Тайванъ темир йўл маъмурятининг хабар беришича, вафот этганларнинг аксарияти сўнгги икки вагонда топилган.

Хукумат фавқуподда вазият марказини ташкил ётди. Воеа жойига Мирш бош вазiri Мустафо Мабдули ва яна 5 вазир йўл олган. Поездларнинг машинистлари ҳибсга олинган ва сўрқ қилинмоқда.

Махсус техник комиссия тўқнашувни тергов қилиши билан шуғулланади. Мирш президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисий қурбонлар оиласида ҳамдардлик билдирган ва “айборлар тегиши жазо олишига” ваъда берган.

Ҳалокат юз берган Тайваннинг шарқий қирғоғи сайдёлар энг кўп қатновчи йўналиш бўлиб, Тайбэйдан шарқ томонига чиқсан темир йўл линияси ўз туннеллар билан машҳур ҳисобланади.

Тайванда 2018 йил октябрида ҳам йирик темир йўл ҳалокати содир бўлган. Ўшанда Ruyuma Express тезорар поезди орол шимоли-шарқидаги Илан уездидан изидан чиқиб кетиши оқибатида 22 киши ҳалок бўлган, 170дан зиёд одам жароҳат олган эди. 1981 йилда эса Тайванъ шимолида рўй берган тўқнашув оқибатида 30 киши ҳалок бўлган.

Қоҳирада 22та мумиё янги музейга тантанали равишида қўчириб ўтказилди

Мисрда фиръавнларнинг мумиёлари Мирш музейидан Қоҳирадан 5 чақирим узоқликда жойлашган янги музейга Мирш тамаддуни миллий музейига

(NMES) тантанали равишида қўчириб ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб янги жойга 22та мумиё – 18 қирол ва 4 нафар қироличанинг мумиёланган жасади қўчирилди.

Қўчирилган мумиёлар орасида милоддан аввалги XV асрдан XII асрчага ҳукмдорлик қилган Секененра Таа ІІдан бошлаб Рамзес IX-га бўлган фиръавнлар жасади бор. Маросимни дунёнинг 400га яқин телеканали намойиш қиласди. Унда Мирш президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисий ҳам иштирок этган.


Очиқ осмон остида ўтган тантанали маросим учун пандемия сабабли киритилган чекловлар ҳам бекор қилинган. Ташкилотчилар томонидан “Фиръавнларнинг олтин намойиши” деб номланган маросим Қоҳирада вақти билан соат 20да бошланган. Ҳар бир мумиё маҳсус транспорт воитасида қадимий жанг аравалари ҳамроҳлигида ташилган. Умумий ҳолда кортежни 60та мотоцикл, 150та от ва мусикий ансамбл кузатиб борган.

Мумиёларни ташки таъсирилардан ҳимоялаш учун улар азот билан тўлдирилган маҳсус кутиларга жойлаштирилган. “Мумиёлар намойиши” Мисрнинг бош сув артерияси – Нил дарёси бўйлаб ўтган.

Кейинги 2 ҳафта давомида мумиёлар NMES лабораториясида сақланади ва улар Мумиёлар залида 18 апрелдан намойиш қилиниш учун тайёрланади.

Бироқ баъзи мисрликлар мамлакатда охириги кунлар юз берган бир неча баҳтсиз ходисани мумиёларнинг кўчирилиши билан боғлашмоқда. Уларнинг фикрича, 32 кишининг умрини олиб кетган темир йўл ҳалокати, Қоҳирада 23 қурбонга олиб келган уй кулаши ҳамда Сувайш каналида улкан кеманинг тикилиб қолиши “безовталанган фиръавнларнинг қарғиши” сабабли юз берган.

Президентни интернетда ҳақоратлаш мүмкинми?



Ўзбекистонда интернетдаги бирор блог, ижтимоий тармоқдаги шахсий саҳифа ёки бирор бир хабар остидаги изоҳда ҳам президентга ҳақорат ёки тұхматни ifoda этадиган маълумотни акс этириш (матн, сурат, аудио, видео каби шаклларда) тўғридан тўғри жинонай кодексига қўшимча қўшилди.

Эндилиқда кодекснинг 158-моддаси 3-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасы Президентини интернетдеги ҳақоратлаш ёки унга тұхмат қилиш:

- 3 йилгача ахлоқ тузатиши ишлари ёки –
- 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд –
- 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Хўш, аслида бу янгиликми? Қисман, ҳа. Бироқ эътиборга олиш керакки, Президентни ҳақоратлаш ганлик ё унга тұхмат қилғанлик учун жавобгарлик аввал ҳам бор эди. Фақат бунда ҳуқуқбузарлик ё омма олдида, ёки ОАВдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлиши лозим эди.

Янгилик шундаки, энди жавобгарлик интернетдеги ҳақорат ва тұхмат учун ҳам белгиланмоқда. Жазолар эса ўша-ӯша, ўзгартылган.

Бунда қадар амалда бўлган тартибга кўра, интернетдеги президентга нисбатан тұхмат ёки ҳақорат изоҳ қолдирилган шахс жавобгарликкаввайт төртилиши мумкин эди, аммо бунинг учун Президент ёки унинг вакилининг аризаси талаб этиларди.

Кодексдаги ўзгаришдан сўнг, шахснинг интернетдеги бирор блог, ижтимоий тармоқдаги шахсий саҳифа ёки бирор бир хабар остидаги изоҳда ҳам президентга ҳақорат ёки тұхматни ifoda этадиган маълумотни акс этириши (матн, сурат, аудио, видео каби шаклларда) тўғридан тўғри жинонай жавобгарликкаввайт төртишга сабаб бўлади.

Жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

• “Мустақилликнинг 30 йиллигига – 30 эзгу иш”

ҚОРАЧИҚ МАКТАБИДА ФАХРИЙ УСТОЗЛАР БОГИ



Доимий жамоатчи обуначимиз, “Қорачиқ” умумий ўрта мактаби директори Музаффар Умаров ташаббуси билан мактаб ҳовлисидаги эски қурилишдан бўшаган майдонда фахрий устозлар боғи барпо этилмоқда. Шанба куни эрталаб мактабга келганимда директор Музаффар Умаров ҳамда қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамовлар бир гурӯҳ устозлар билан бирга қарши олди.

Туркистон шаҳри таркибида мактаб битирувчилари ЯМТ кўрсаткичлари бўйича 70дан зиёд мактаблар орасида бир неча бор биринчи ўринни эгаллаган. Устозлар жамоаси ушбу аньянани давом эттиришга файрат камарини боғлаган.

– Мактабимиз эски биноси бузилгач, ўрнига фахрий устозлар боғини барпо этсак, ҳамда шу ишни юртимиз Мустақилликнинг 30 йиллигига жамоамиз номидан армугон этсак, деб, ушбу ташаббуси амалга оширишга киришдик. Саноқлийлар ўтиб, боғ мевага киради ва ажойиб манзара намоён бўлади, – деди мактаб директори Музаффар Умаров.

Мактабнинг саховати мўл, дэхқончиликка мойил ўқитувчи Асомиддин Фанишев ҳомийлигига юздан зиёд сархил олма ва манзарали арча дарахти



кўчатлари келтирилиб, экишга таҳт қилиб қўйилган экан. Ҳомий устозга мактаб маъмуряти ва ҳамкаслари миннатдорчиллик билдириши.

Муборак рамазон ойи арафасида амалга оширилган ушбу саховатли ишдан барча мамнун. Боғ муттасил суборилиб, унга ишлов берилади.

Тадбирга таклиф этилган Қорачиқ қишлоқ округи ҳокими Нуржан Аханов, фахрий устоз Авазхон Иботов, маданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамов ва қатор фахрий инсонлар “Мустақилликнинг 30 йиллигига – 30 эзгу иш” шиори доирасида барпо этилаётган фахрийлар боғи моҳиятига тўхвалишид.

Юқорида номлари тилга олинган фахрий инсонлар боғда кўчат экишини бошлаб бериши. Тилаш Иззатуллаев,

Клара Эрметова, Фулом Нишонбоев, Жаъфар Маменов каби ўнлаб устозлар иштиёқ ила ишга киришиб, олма ва арча дарахтлари кўчатларини экиши.

Ҳомийларга, ташаббускорларга, барча иштирокчиларга миннатдорчиллик билдирилди.

2000 йилдан зиёд тарихи бор кўхна Қорачиқ қишлоғидаги “Қорачиқ” умумий ўрта мактаби ҳовлисида саноқлий ийллардан сўнг мевали ва манзарали дарахтлардан иборат ажойиб боғ барчанинг кўнглига завқ бағишилаб, меваларидан баҳраманд этишига ишончимиз комил. Мамлакатимиз Мустақилликнинг бағишиланган эзгу ишлар давом этади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.

Кўчат экиб, боғ яратиш – ҳалқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Зоро, ўзимиз яшаб турган жойни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш туфайли кўнглимиз шодликка тўлади, турмушимиз файзли ва фаронвон бўлади.



250 ТУП АРЧА ДАРАХТИ ЎТҚАЗИЛДИ

Айни чоғда боғлар, кўчалар ҳамда йўл ёқаларида яшнаб турган дарахтлар чор-атрофга кўрк бериши баробарида, ҳавонинг тозалигини таъминлади.

Юртимиз бўйлаб ўтказиллаётган “Менинг ўз дарахтим” акциясида барча ташкилот, муассаса ва корхоналарда диёримизни янада обод қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим даргоҳининг 90 йиллик тўйини нишонлаш арафасида устозлар тадбирда фаол иштирок этдилар. Мактабимиз ҳовлисига

250 туп арча дарахти кўчати ўтқазилди. Муассаса директори Нурлан Қадиров аҳил жамоанинг фидойи меҳнатидан миннатдор бўлиб, деди:

– Мактабимиз биноси давлатимиз ғамхўрлиги туфайли сифатли тубдан таъмирланди. Энди шу даргоҳ ҳовлиси обод бўлсин, деб, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазмоқдамиш.

**Насиба Йўлдошева,
М. Ауезов номли умумий
ўрта мактаб ўқитувчиси.
Ўранғай қишлоғи.
Муаллиф тасвири.**

АҲОЛИ БАНДЛИГИ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, Электрон меҳнат биржаси ташкил этилганидан бўён (2018 йил бошидан) портал орқали 1,5 миллиондан зиёд одам иш билан таъминланган.

«Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш маркази»

хиссадорлик жамияти таҳлилига кўра, биринчи чорак якунларига кўра иш қиди

рувчилар орасида энг кўп талаб офис-менежери, йўлларни таъмирлаш ишчила-

ри ва ҳайдовчилик соҳалари жойлаштирилган. Ўз

навбатида, иш берувчилар йўлларни таъмирлаш ишчи-

лари, ҳайдовчилар ва хавф

сизлих ходимларига муҳож.

«Эслатиб ўтамиз, Электро-

н меҳнат биржаси портали

Элбоши топшириғига биноан

Қозоғистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2018 йил январь ойидан ишга туширилган. ЭМБнинг асосий вазифаларидан бири – фуқароларга иш топишида, иш берувчиларга ишчи қидириш ва танлашда ёрдам беришдир. Бугунги кунда 203та бандлик маркази, биа интернет-дастур ва 54та хусусий бандлик агентлиги ЭМБга кўшилди» дейилади вазифлик хабарида.

Хабар 24.

ЭЗГУ АНЪАЛАРГА УЙҒУН ТАШАББУС

Тўлебий туманида Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев ташаббуси билан ташкил этилган «Гамхўрлик» хайрия лойиҳаси амалга оширилмоқда. Дастурнинг мақсади – кам таъминланган, эҳтиёжданд оиласларга ёрдам бериш. Айни пайтда туманда 59та кам таъминланган оила рўйхати шакллантирилди. Ҳар бир оиласини туман маслаҳати депутатлари, қишлоқ ҳокимлари, мустақил бўлим, муассаса раҳбарлари ва тадбиркорлар оталиқقا олиши.



Улар ушбу оиласларни озиқ-овқат билан таъминлайди, қонунлар доирасида хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришда ёрдам беради.

Айни пайтда туман бўйича 139 оиласга 3 миллион тенге миқдорида турли ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, оталиқга олганлар қийин хаётий вазиятга тушиб қолган 59

маҳсулотлари тарқатилди, «Ёшлар имконият маркази» томонидан 10 оиласга 150 минг тенге миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, «Halyk Bank»

2021 йилнинг биринчи чорагида манзилли ижтимоий ёрдам оладиган ҳар бир оиласига 23 554 тенге миқдорида озиқ-овқат саватлари



оиласига 1 миллион тенгедан зиёд моддий ёрдам кўрсатди.

Шунингдек, вилоят этномаданият бирлашмалари томонидан 8 оиласга 150 минг тенге миқдорида озиқ-овқат

таратди. Умуман олганда, 62 оиласига қарийб бир ярим миллион тенгелик моддий ёрдам кўрсатилди.

Б. ДЎСМАТОВА.

• Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Болгария Миллий Қаҳрамони Зиёмат Ҳусанов таваллудининг 100 йиллигига



Истеъфодаги полковникман. Журналистик фаолиятимни Кавказда ҳарбий мухбирликдан бошлаганман.

Иккинчи Жаҳон урушида бедарак кетган амаким, падаримнинг ёлғиз акаси – Миртолиб Мирсолиевнинг қабрини XX аср ниҳоясигача Иттифоқ, шу жумладан, Россия ҳамда Европанинг бир қанча мамлакатини оралаб, хизмат ва шахсий сафарларга борганимда изладим, афсуски, тополмадим. У “Номаълум аскар” лигича қолди. Қирғинбарот жангларни бошидан кечирган шаҳар ва қишлоқлардаги “Биродарлик қабристонлари”ни зиёрат килиб, музейга айланган концлагерларга гуллар қўйдим. Отамнинг ушбу васияти туфайли Иккинчи Жаҳон уруши мавзуси ҳәётимнинг мазмунига айланди.

